Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 182 (8. 124) ◆ 1992 йил 16 сентябрь, чоршанба ◆ Нархи 2 сўм.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 15 сентябрь куни Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Карло Унгарони қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиқларини топширди.

— Италиянинг Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро алоқалари бугун бошлангани йўқ, — деди К. Унгаро жаноблари. — Мустақил ўзбек диёрининг турли бурчакларида мамлакатимиз билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналар фикримнинг далилидир. Давлатимиз Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичда давом эттириш истагида.

Ислом Каримов Карло Унгарони Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси этиб тайинланганги муносабати билан самимий қутлаб, унинг бу масъулиятли ишида омад тилади, Ўзбекистон билан гўзал ва қадимий Италия давлати ўртасидаги муносабатлар бундан бу ён ҳам тенг ҳуқуқлилик асосида ривожланаверади, деб ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов иштирок этди.

ЎзА мухбири.

* * *

СУРАТДА: қабул пайти.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси

КАРЛО УНГАРО



1937 йил 20 январда Лахорда (Покистон) туғилган.

1961 йилда — Рим университети ҳуқуқшунослик факультетини тугаллаган.

1962 йил — дипломатия-консуллик хизматига қабул қилинган.

1962—1963 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги дипломатия-консуллик хизматида, иқтисодий ишлар бошқармаси 9-бўлими ходими.

1963—1964 йиллар — Леопольдвилдаги (Заир) миссияда атташе, иккинчи котиб.

1964—1966 йиллар — Италиянинг Заирдаги элчихонасида учинчи котиб.

1967—1968 йиллар — Бедфорда (Англия) консул ўринбосари.

1968—1969 йиллар — Италиянинг Қобулдаги (Афғонистон) элчихонасида биринчи котиб.

1969—1972 йиллар — Қобулдаги Италия элчихонасида маслаҳатчи.

1972—1973 йиллар — миссия маслаҳатчиси.

1973—1976 йиллар — Куала-Лумпурда (Малайзия) миссия маслаҳатчиси.

1976—1978 йиллар — Роттердамда (Нидерландия) бош консуллик мудири вазифасини бажарувчи.

1978—1981 йиллар — Роттердамда элчихона маслаҳатчиси.

1982—1984 йиллар — Роттердамда бош консул.

1984—1987 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги маданий муносабатлар бош бошқармаси 3-бўлими бошлиғи.

1987 йил — Ташқи ишлар вазирлиги, маданий муносабатлар бош бошқармасининг тадқиқот, таҳлил ва режалаш бўлими мудири.

1987—1992 йиллар — Беюнда (Швейцария) муҳожирлар масалалари ва ижтимоий ишлар бўйича биринчи маслаҳатчи.

1992 йили — Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

Инглиз, француз, дари, форс тилларини билади. Оилали, икки фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ДАВЛАТИ РАҲБАРИ БУРҲОНИДДИН РАББОНИЙ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!
Муҳтарам Раббоний жаноблари!

Сизга мурожаат этиш ва айни пайтда афғон халқига самимий истакларимни етказиш имкониятидан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Биз учун афғон халқи оллоҳнинг иродаси ва тақдир тақозоси билан минглаб йиллар давомида ёнма-ён яшаб, ҳамдардлик кўрсатган қардош ва қариндош бўлган халқлардан биридир.

Кўҳна Афғонистон диёрида кўплаб ўзбек авлодлари ўз бахтларини топдилар. Бу ерда жаҳон маданиятининг буюк алломаси, бобокалонимиз мир Алишер Навоий, аждодларимизга мансуб бошқа табаррук шахслар из қолдирганликлари биз учун тарихнинг муқаддас саҳифаларидир.

Ўтмишимизнинг чамбарчас боғланган, кўп даврлар давомида ягона бўлган тарихи, айниқса, ислом фалсафаси ва руҳияти билан суғорилган ва минтақамиз халқларини бирлаштирган маънавий ришталар, урф-одатлар, анъана ва қадриятларимиз бирлиги ҳаммамиз учун катта куч ва мадад берувчи қудратли манбадир.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасида ҳеч қачон кескин тўқнашувлар бўлмаганида катта рамзий маъно бор. Заҳматкаш Афғон халқи кўрган катта мусибатлар биз учун ҳам оғир дард бўлиб келди. Худога минг қатла шукрки, эндиликда Афғонистон ташқи жоҳил кучларнинг тинимсиз хуружларидан, уларнинг ёвуз хатти-ҳаракатларидан қутулди. Аммо бу ерда 13 йил давом этган аёвсиз уруш мобайнида минг-минглаб одамларнинг нобуд бўлиши, сон-саноқсиз етим-есирлар, мислсиз вайронагарчилик ва жароҳатлар, тинчлик ва осойишталик нималигини унутган афғон халқининг дарди ва алами — XX асрнинг улкан фожеасидир.

Мустақиллик ва истиқлол уфқлари сари интилаётган Ўзбекистон эндигина ўзининг бош мақсадларини ўзи белгилаш, асл дўстларини ўзи аниқлаш, озодлик, тенглик ва адолат ҳақидаги асрий орзу-умидларини ўзи ифодалаш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳозирги кунда республикамиз Шарқ минтақасидаги кўплаб давлатлар билан ибратомуз ҳамкорлик қилмоқда. Ён қўшнимиз — Афғонистон халқи билан туб маънода қардошлик муносабатларини ривожлантириш эрксевар ва садоқатли Ўзбекистон аҳлининг асл ниятидир.

Авлод-аждодларимиз руҳи, халқларимизнинг эзгу ниятлари эндиликда барчани хотиржамликка, тинч меҳнатга, қўшничилик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга чорламоқда.

Жаноби олийлари, сизни фурсат топиб Ўзбекистонга ташриф буюришингизни ва юксак мартабали меҳмонимиз бўлишингизни сўраймиз. Иймоним комилки, азалдан меҳмондўст ўзбек халқи сизни катта самимият ва эҳтиром билан кутиб олади.

Халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида дўстона алоқалар мустаҳкамланишида худонинг ўзи ёр бўлсин!

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

15 сентябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ва Афғонистон мамлакатлари алоқаларининг ривожига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Маҳаллий ва чет эл журналистларининг саволларига жавоб берилди.

Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИГА ОТЛАНИШДИ

ЎЗИНАИ жаҳон ёки саҳна орқали республика қўғирчоқ театрининг қувноқ томошаларидан завқланмаган бирор-бир киши бўлмаса керак. Яқинда ўзининг 54-мавсумини бошлаган ушбу жамоанинг саҳна усталари ижодий сафарга отланишди. Пахта мавсумининг бошланиши муносабати билан қувноқ спектакллар ижодкорлари сентябрнинг сўнгги ўн кунлигида Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб «Алибобо ва бошқалар», «Карвонсарой» каби спектаклларни намойиш этишади.

Ушбу ижодий сафар октябрь ойида ҳам давом этади.

Дамир ИСЛОМОВ.

«ФОТОН» УЧУН УЙ

ҲОЗИРГИ бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг хўжалик ҳисобида уй-жой қуриши қийинлашиб кетди. Сабаби илгарилари ишчи-хизматчилар учун битта уй қуриш учун арзимаган пул сарфланган бўлса, ҳозирда бир неча миллионлаб маблағ керак бўлади. Шунга қарамасдан шаҳримизда кўплаб корхона ва бирлашмалар хўжалик ҳисобидан турар жой биноларини қуришни давом эттирмоқда.

Шулардан бири пойтахтдаги «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Айни пайтда пойтахтнинг Миробод мавзесида корхона ишчи ва хизматчиларига атал-ган 9 қаватли уйда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишни Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли йирик ҳажмли тажриба уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси қурувчилари амалга оширишмоқда.

Ҳозир қурувчилар 109 оилага мўлжалланган бу бинонинг 36 хонадонини фойдаланишга топширишди. Уйнинг топширилган қисмига корхона ишчи ва хизматчилари кўчиб киришди. Айни пайтда бинонинг қолган қисмида қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Биноқорлар уни шу йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. У битгандан кейин бирлашманинг яна 73 кишиси уйли бўлишади.

Гулом ЮСУПОВ.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

⊙ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар раҳбарларидан табрикномалар келиб турибди. Жумладан, ана шундай табрикномалар Хитой Халқ Республикасининг Раиси Ян Шан Кунь, Бирлашган Араб Амирликларининг Президенти Зайёд Бин Султон ал Махайян, Испания қироли Хуан Карлос, Бразилия Федератив Республикасининг Президенти Фернандо Коллор ва бошқалардан олинди.

⊙ Туркиянинг Измир шаҳри савдо палатаси аъзолари делегацияси республикамизда бўлди. Олиб борилган музокаралар натижасида ҳар икки давлат ўртасида ахборот айирбошлаш, қўшма кўргазма-ярмаркалар ташкил этишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Жумладан Тошкентда Измир шаҳри савдо-саноат палатаси ваколатхонасини очишга келишиб олинди.

⊙ Урганч ёғ-мой комбинатида АҚШдан келтирилган 20 минг тонна дуккакли дон — соядан ёғ тайёрлаб чиқариш бошланди.

⊙ Жондор районидаги Гагарин номли жамоа хўжалиги бошқаруви колхозчи аёлларни 50 ёшдан пенсияга чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

⊙ Избоскан районининг ёғоч ўймакор устаси Ю. Утаганов ҳунармандлар байрамида ўтказилган вилоят танловида ғолиб чиқиб, Маккага Ҳаж қилиш имкониятига муяссар бўлди.

⊙ Ўзбекистон ногиронлар жамияти «Спринт — меҳрибонлик» лотереясини чиқарди. Ногиронларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бу лотереяга 10 сўмдан 500 минг сўмгача пул мукофотлари тикилган.

⊙ Жанубий Африка Республикаси ва Венгрия мутахассислари Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик академияси илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолияти билан танишдилар.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Кеча Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон, Қирғизистон делегациялари иштирокида Бишкекда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги парламентлараро ассамблеяси очилди. Унда Озарбайжон кузатувчи сифатида иштирок этмоқда. Қароргоҳи Санкт-Петербургда жойлашадиган бу ассамблея кенгашининг раиси этиб Россия Федерацияси Олий Кенгашининг раиси Руслан Хасбулатов бир йил муддатга сайланди. Бугун ассамблея ўз ишини якунлайди.

⊙ Кеча Россия Президенти Борис Ельцин Кремлда Татаристон Президенти Минтимер Шаймиев билан учрашди. Унда Россия билан Татаристон ўртасида ҳокимият тузилмалари ваколатларини белгилаш юзасидан икки томонлама шартнома лойиҳаси муҳокама этилди.

⊙ Беларусь мутахассисларининг фикрича, Россияда нефть маҳсулотларига эркин нарх белгиланиши бу мамлакатда ҳам мазкур ёнилғи баҳосини саккиз бараварга қимматлаштиради. Беларусь, шунингдек, ҳозир Россияда қазиб олинаётган нефть ҳажми келажакда унинг эҳтиёжларини қоплашга аранг етишини ҳисобга олган ҳолда Саудия Арабистони ва Қувайтдан нефть харид қилиш имкониятларини шошилинч ўрганмоқда.

⊙ Кеча Россия конституциявий судида «КПСС иши» кўриб чиқиш давом эттирилди. Унда мутахассисларнинг КПСС партия бўлганми ёки бўлмаганми тўғрисидаги хулосалари тингланмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бу масалага аниқлик киритиш бир неча ойни талаб қилади.

ХОРИЖДА

⊙ Кеча Берлинда Социалистик интернационалнинг ўн тўққизинчи конгресси очилди. Унда 130 мамлакатнинг 180 та социалистик, социал-демократик ва ишчи партиялари ҳамда ташкилотлари иштирок этмоқда.

⊙ Кеча ўз ишини бошлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг кун тартибига 140 тага яқин масала қўйилган. Ҳозир бу жаҳон ҳамжамиятига 180 мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам аъзодир.

⊙ Покистоннинг шимоли-шарқий қисмида рўй берган мисли кўрилмаган сув тошқини натижасида 1700 киши нобуд бўлди.

⊙ Машҳур «чарм тўпи» қироли Пеле келажакда Президент сайловларида иштирок этишдан узил-кесил воз кечганлигини айтди. У буни ўзи ҳалол инсон эканлиги, Бразилиядаги барча сиёсатчилар эса нопоклар, деб изоҳлади.

⊙ Илк бор АҚШнинг кўп марта фойдаланиладиган «Эндевер» космик кемасида қурбақаларни урчитиш юзасидан тажриба ўтказилди. Астронавтлар космосда ердагига яқин «ботқоқ» шароитни яратиб, бунга муваффақ бўлдилар. Олимлар фикрича, яқин кунларда қурбақалар насллари пайдо бўлади. Ҳозир бу кемада тўртта қурбақа, 30 та товуқ тухуми, 2 та балиқ, кўплаб пашша ва бошқа жонзотлар бор. Шуниси диққатга сазоворки, илк бор бу кемада эрхотин Марк Ли ва Жен Дэвис ҳам парвоз қилмоқдалар.

Бугунги кун нафаси

* *Минтақа шифокор олимлари ассамблеяси*

ИЛДИЗИ БИР МАСАЛАЛАР

Пойтахтимиздаги Жарроҳлик илмий-тадқиқот институтида Урта Осиё ва Қозоғистон шифокор олимларининг 1-ассамблеяси бўлиб ўтмоқда. Унда асосан уч масала, жумладан бланлар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли оналар ва касалликларининг тарқалишига қарши чораларни кучайтириш ҳамда инсон ва экология муаммоларни муҳокамага қўйилган. Йиғилиш иштирокчиларидан бир гуруҳи ассамблея хусусида ўз фикрларини қуйидагича баён этишди.

⊙ **Қодир НУРГАЛИЕВ, Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги фан ва тиббиёт технологияси бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

— Назаримда мазкур ассамблея асосий эътиборни республикалардаги тиббиёт илми марказларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, илмий ютуқлар даражасини жаҳон стандарти поғонасига олиб чиқишга қаратмоғи лозим. Чунки илмий ғоялар, ютуқлар ҳамкорлиги фаннинг ривожланиши билан бир қаторда давлатлараро сиёсий барқарорликни ҳам вужудга келтиради.

⊙ **Карим ЯЛДОШЕВ, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Семашко номли тиббий тиклаш ва физиотерапия илмий тадқиқот институтининг директори.**

— Ассамблея кўриб чиқаётган уч масаланинг биринн иккинчисидан алоҳида ҳолда ҳал этиб бўлмайди, чунки уларнинг илдизи ягона. Камқонлик, сариқ, бруцеллёз хасталиги минтақамиз муаммоси бўлиб турган бир пайтда бундай тадбирларни ўтказиш долзарб вазифадир. Ишонаманки, шифокор олимларнинг ўзаро ҳамкорлиги ушбу касалликларнинг туб сабабларини ўрганиб, уларнинг олдини олишда муваффақиятларга эришилишига замин яратади.

⊙ **Минҳож ҒУЛОМОВ, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Тожикистон Тиббиёт университетининг проректори.**

— Мазкур ассамблея республикалараро тиббий илм марказларининг мувофиқлаштирувчи ташкилот тузишга эришмоғи муҳимдир. Чунки ютуқларни рағбатлантириш бир қаторда камчиликлардан ҳам кўз юмолмаймиз. Бу тадбир айниқса тиббиёт экспертизаси ишида жуда қўл келади.

⊙ **Дуйше ҚУДАЯРОВ, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Қирғизистон Республикаси акушерлик ва педиатрия институтининг директори.**

— Ҳозирги пайтда минтақамиздаги ҳар бир республика ўзининг экологик ёки тиббий муаммоларини ўзи ҳал этиш қудратига эга эмас. Чунки Орол муаммоси нафақат Ўзбекистонга, балки Қозоғистон ҳамда Туркманистонга ҳам хавф солмоқда. Турсунзода шаҳридаги алюмин заводидан чиқаётган заҳарли тутун ўзбек ва тожик халқларининг саломатлигига путур етказаяпти. Шундай экан, фақат бирлашиб, фикр-мулоҳазалар алмашиб, иш тутишгина ютуқлар сари етаклайди. Бу — давр тақозосидир.

Анжуман давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов, Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Мақсуд Кулжонов, Россия Тиббиёт фанларн академияси Ўрта Осиё бўлими кенгашининг раиси, шу академиянинг мухбир аъзоси, профессор Санджалол Баҳромов ва бошқалар сўзга чиқиб, ассамблея ўз иши давомида муҳокамага қўйилган таклифлар бўйича дастур қабул қилиш лозимлигини таъкидлашди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

* *Бир жиноят изидан*

КАТТА ЙЎЛДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР

Биз «Катта йўлдаги қароқчилар» иборасини илгаридан кўчма маънода ишлатишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, надоматлар бўлсинким, ҳаётнинг кўрсатишича ҳозирда у ўзининг тўғри маъносини касб этмоқда.

Газетамиз Тошкентдан Андижонга йўл олган шаҳарлараро қатнайдиган «Икарус» автобусига қилинган қароқчиларча ҳужум ҳақида илгари хабар қилган эди. Энди эса ушбу воқеанинг барча тафсилотларини маълум қиламиз.

...Ярим тунда Миробод район ички ишлар бошқармаси биноси ёнига «Икарус» автобуси келиб тўхтади. Ундан тушган 15 нафар йўловчи навбатчилар хонасига кириб, тўртта нотаниш йигит томонидан тажовузга учраганликларини айтишди. Бу жиноят ҳақида зудлик билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси ва Республика Ички ишлар вазирлигига хабар берилди.

Шу ўринда бирин-кетин барчани қизиқтирган саволлар туғилади: хўш, аслида «Икарус» автобусида қандай воқеа рўй берган эди? Жиноятчилар ушландими? Албатта, бу воқеанинг барча тафсилотлари тергов давомида аниқланади. Биз эса ҳозирча жиноятнинг қай тариқа юз берганини тиклашимиз мумкин.

9 сентябрь оқшом пайтида Тошкент—Андижон йўналишида қатновчи автобус пойтахтдан чиқиб Тошкент ҳалқа йўлида энди тезликни ошираётган пайт. Қўйлиқ даҳаси атрофида ҳайдовчининг кўзи автобусни қувиб ўтиб, уни йўлнинг четига қисиб қўйиш ҳаракатини қилаётган давлат белгилари бўлмаган таксига тушди.

Албатта катта йўлда шунга ўхшаш воқеалар юз бериб туради. Ва бунга унчалик аҳамият бермаган «Икарус» ҳайдовчиси газни босишда давом этди. Бироқ «толмас» таксичи энди сурбетларча автобусни йўл четига қиса бошлади. «Бир гап бор. Ҳойнаҳой, бирор ҳодиса юз берган бўлса керак. Балки ёрдам керакдир», — деган ўй билан ҳайдовчи автобусни тўхтатди. Эшик очилиши биланоқ дарҳол унинг юзига қаттиқ зарба тушди. Бу албатта ҳар қандай кишининг ҳам нафсониятига тегади, бироқ шу онда ҳужум қилган нотаниш кимса ва унинг учта шериғининг қўлида пичоқ тиғлари ялтиради. Ва ҳайдовчининг қароқчиларнинг сўзига кириб машина моторини ўчиришдан бошқа иложи қолмади. Маълум бўлдики — тажовузкорлар кўпни кўрган жиноятчилар эди.

Автобус салонига кирган қароқчилар йўловчилардан жойларидан жилмасдан пуллари, қимматбаҳо буюмлари ва юкларини беришни «илтимос» қилдилар. Умуман олганда, кимлардир жиноятчиларга қаршилик кўрсатишлари ҳам мумкин эди, бироқ барчага маълумки, бундай сафарларда кишилар бир-бирларини деярли танимайдилар, бинобарин биров қўллашига йўшонмасанг «пичоққа қарши бориш»ни ким ҳам хоҳларди.

«Тинтув» ишлари ҳайдовчилардан бошланди. «Икарус» ҳайдовчисининг дам олаётган шеригидан кассадаги бор пул ва ҳужжатлар тортиб олинди. Машина бошқараётган ҳайдовчининг ёнидан эса 25 минг сўм «мусодара» этилди. Автобуснинг микрофони синдирилди.

Одамларнинг бу тариқа таққирланишаётганларига Андижонга тўйга кетаётган олдинги ўриндиқдаги мўйсафид чидай олмади. У қароқчиларни уялтиришга уриниб кўрди, бироқ қўпол сўкиш эшитди. Қариянинг барча буюмларини олиб қўйишгач, одам зоти чидай олмайдиган ваҳшийлик юз берди. Улар мўйсафиднинг оғзидаги тилла тишларини ҳам қоқиб олдилар. Бундан сўнг ҳеч ким уларга қаршилик кўрсата олмади.

«Иш»ларини бажариб бўлгач, талончилар йўловчилардан ичидан ўзларига ёқиб қолган қизни ҳам олиб таксиларида жуфтакни ростладилар.

...Талончилик ҳужуми ҳақидаги хабардан сўнг Ички ишлар бошқармаси ва Давлат автомобиль назоратининг бутун тезкор гуруҳи воқеа турди. Ҳодиса юз берган жойга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов ва Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори К. Ғофуровлар етиб келдилар ва жиноятчиларни қидириш бўйича барча ишларни бошқара бошладилар. Биринчи навбатда йўқолган аёлни излаш, жиноятчилар ҳақидаги барча тафсилотларни тўплаб, улар беркинган жойни аниқлаш лозим эди.

10 сентябрь тушга яқин ўғирлаб кетилган аёл ҳайтовур тирик ҳолда топилди. Жиноятчилар таксн машинасида қочганлари учун шаҳарнинг барча такси саройлари қаттиқ текширилди. Жиноятчиларнинг мўмай даромадидан сўнг «мароқли» дам олишлари мумкинлигини ҳисобга олиб яқин атрофдаги ҳамма чойхоналар ва дўконларни милиция ходимлари кўздан кечиришди. Жиноят ўта қабиҳона бўлгани учун ўз вақтида шунга ўхшаш жиноят содир этган барча илгари судланганлар текширилди.

Милиция ходимлари томонидан амалга оширилган кенг ва мураккаб ишлар натижасиз қолмади. 11 сентябрь эрта тонгда шубҳа остига олинган тўртовлон қўлга олинди. Тинтув пайтида уларнинг ёнидан валюта, пуллар, ўғирланган қимматбаҳо буюмлар, жумладан мўйсафиднинг тилла тишлари ва бошқа нарсалар чиқди. Умуман, дастлабки тахминларга кўра талончилик билан қўлга киритилган моллариинг баҳоси 500 минг сўмдан ошиқ экан.

Ҳозир тергов ишлари кетаётгани учун биз қўлга олинганларнинг исми-шарифларини айта олмаймиз. Фақатгина шуни таъкидлашимиз мумкинки, уларнинг ҳаммаси тошкентлик ва ёшлари 20—23 да. Ушланганларнинг иккитаси илгари судланган: биттаси ҳамон шаҳардаги махсус комендатуралардан бирида шартли жазо муддатини ўтамоқда. Жиноятчиларнинг яна бири эса Тошкентдаги такси саройларидан бирининг хизматчиси экан. Рад этиб бўлмайдиган далиллар ва жабрланганларнинг кўрсатмасидан сўнг жиноятчиларнинг барчаси ўз айбларига иқрор бўлдилар. Кўринишидан юқоридаги жиноят уларнинг биринчи ишлари эмас. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳатто 20—25 йилдан бери милиция соҳасида ишлаётган ходимлар ҳам йўловчилар автобусига қилинган бундай даҳшатли ҳужумни эслай олмайдилар. Ҳозир йўловчилардан тортиб олинган пуллар ва қимматбаҳо буюмлар ички ишлар идораларига мурожаат қилган ўз эгаларига топширилди. Талончилик қилинган «Икарус»нинг бошқа жабрланган йўловчилари агар милицияга хабар қилмаган бўлсалар, уларнинг Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси тергов бўлимига мурожаат қилишлари ёки: 56-74-82, 56-98-07, 56-99-54 телефонларига қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

Радик СОЛИЕВ,
милиция лейтенанти, Тошкент шаҳар ИИБ матбуот гуруҳининг инспектори.

Шароитлари яхшиланди

ТОШКЕНТ муҳандислик қурилиши трести ишчи ва хизматчилари бу йил ўзларининг турар жой шароитларини анча яхшилаб олишди. Яқинда Юнусобод районининг Мирзаҳмедов кўчасида уларга аталган битта уй фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда 12 қаватли уйда 58 оила истиқомат қилмоқда. Бу ишни Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли 12-трести, 49-қурилиш бошқармасининг азамат қурувчилари амалга оширишди.

«Ташгипрогор» олийгоҳи томонидан лойиҳаси чизиб берилган бинода истиқоматчилар учун анча шароитлар яратилган. Хоналарнинг кенглиги, ёруғлиги, болохоналарнинг ойнавандлиги билан бу уй бошқа кўплаб турар жой биноларидан ажралиб туради.

Ғани ЕСЕНОВ.

● **Муштарийларимизга маълумки, шу йилнинг август ойида Ҳиндистон ва Покистон давлатлари ўз мустақилликларининг қирқ беш йиллигини кенг нишонлашди. Шу муносабат билан республикамиз Президенти бошчилигидаги делегация Покистонда бўлиб, байрам тантаналарида иштирок этди. Бу эса Ўзбекистон ва қўшни хорижий давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстлик ришталарининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.**

Бундан қирқ беш йил муқаддам — 1947 йилда Ҳиндистон ва Покистон давлатлари ўз мустақилликларини эълон қилиши муносабати билан Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетида ҳиндшунослик кафедраси ташкил этилган эди. Ўтган вақт мобайнида кафедра юзлаб ҳинд ва урду тиллари бўйича мутахассисларни тайёрлаб чиқарди. Айни пайтда ҳинд филологияси кафедраси Шарқшунослик институти таркибида ўз фаолиятини давом эттираяпти. Кафедрага ҳиндшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Озод Шоматов етакчилик қилаяпти. Биз кафедранинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ҳақида тўлароқ маълумотга эга бўлиш мақсадида у киши билан суҳбатда бўлдик.

— Озод Насриддинович, ҳинд филологияси кафедраси асосан қайси соҳалар учун мутахассисларни тайёрлаб чиқаради?

** Ўзбекистон — мустақил давлат*

ИСТИҚЛОЛ ЯРАТГАН ИСТИҚБОЛ

— Бизнинг кафедрамиз асосан филолог, маданиятшунос, ҳиндшунос — тарихчи, ҳиндшунос — диншунос, ҳиндшунос — файласуф каби мутахассисларни тайёрлайди. Шунингдек дипломат, иқтисодчи, элчи, таржимон бўлиш нияти билдирганлар ҳам махсус курсларда ўқитилади. Кафедрамизда илгари шимолий Ҳиндистоннинг Панжоб, Кашмир, Ражастон ва Бенгалия вилоятларига тааллуқли бўлган урду, ҳиндий, панжобий ва бенгал тилларига кўпроқ эътибор берилар эди. 1947 йилдан 1985 йилгача бу тиллар бўйича 500 дан ортиқ мутахассислар етишиб чиқди. Улар айни пайтда шарқшунослик институтларида, нашриётларда ва бошқа турли муассасаларда меҳнат қилишаяпти. Кўплари Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби давлатларда таржимонлик вазифаларини ўтаб келишган ва ҳамон хизмат қилишмоқда. Бундан ташқари кафедрада нафақат ўзбекистонлик ёшлар, балки қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия, Украина ва Россиядан, шунингдек хорижий юртлар — Вьетнам, Германия, Польша, Куба, Мўғулистон ва бошқа давлатлардан келган ёшлар ҳам таҳсил олишади. Улар бизда фақат ўқибгина қолмай балки ўзларининг илмий изланишларини ҳам бошлаб юборишган. Улар орасидан йирик фан ва маданият арбоблари етишиб чиққан.

Бугунги кунда кафедрамиз аъзолари ўқув ишларидан ташқари турли илмий йўналишларга ҳам катта эътибор бериб, Ҳиндистон Республикасидан ташқари бутун Ҳиндистон ярим оролининг кўпгина тиллари ва адабиётлари бўйича ҳам жиддий, салмоқли изланишлар олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида қисқа вақт ичида ҳинд филологияси соҳаси бўйича битта фан доктори ва бешта фан номзоди етишиб чиқди. 4 та йирик монография ва 300 дан ортиқ илмий, услубий, ўқув ва бошқа мавзуларга оид муҳим ишлар чоп этилди. Улар нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг бошқа Республикаларида, шу жумладан, Россия, Грузия, Тожикистонда ҳам катта эътибор қозониб, ҳиндшуносликнинг турли соҳаларида қўлланиб келинмоқда.

Кафедрамиз ўқитувчилари ўрта мактаблар учун ҳинд-урду тили дарсликларини ҳам яратишган. Жумладан ҳиндий тилида 2—3-синфлар учун биринчи дарсликни доцент Р. А. Овулова яратди. Катта ўқитувчи Раҳмонберди Муҳаммаджонов эса худди шундай дарсликларни урду тилида тайёрлади.

Хуллас, кафедра ходимларининг тажрибалари ҳар томонлама такомиллашиб, бойиб бораяпти десак хато қилмаймиз.

— Шу кафедрани битириб, бугунги кунда кўзга кўринган собиқ талабалардан кимларини айта оласиз?

— Дарҳақиқат, ҳинд филологияси кафедрасини битириб, ўз меҳнати туфайли бахт ва омадга эришган собиқ талабалар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг анчагина қисми айни пайтда давлат аҳамиятига молик бўлган масъулиятли вазифаларда фаолият кўрсатмоқдалар. Айнан ана шу кишилар Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби давлатлардаги консулхоналарда, маданий марказларда ва бошқа жойларда турли хилдаги вазифаларни бажариб қайтишган. Масалан, Республика ташқи ишлар вазирининг биринчи муовини Фаттоҳ Тешабоев ҳам ана шундай собиқ талабалардан биридир. Фаттоҳ Ғуломович ҳам аслида ҳиндшунос олим. Ҳинд фалсафаси бўйича фалсафа фанлари номзоди. Бу киши Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳридаги консулхонада, шунингдек Деҳлидаги иқтисодий ишлар бўйича ваколатхонада бош масалаҳатчи муовини бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий миллий ассоциацияси раисининг биринчи муовини Суръат Мирқосимов ҳам собиқ СССРнинг Деҳли ва Калькуттадаги маданий алоқалар бўйича ваколатхонасида котиб бўлиб ишлаган. Шунингдек, республика «Сайёҳ интур» бирлашмаси бош директорининг биринчи муовини Қурбонбек Тўлаганов ҳам собиқ СССРнинг Деҳлидаги маданий ишлар бўйича ваколатхонасида ишлаган. Шу билан бирга у Покистоннинг Карочи шаҳрида Совет маданият уйининг директори вазифасида ҳам фаолият кўрсатган. Умуман олганда, кафедрамизни тамомлаб кетган собиқ талабаларнинг жуда кўпчилиги нуфузли жойларда масъулиятли вазифаларни бажаришмоқда.

— Ҳозирги пайтда ҳиндшунос олимлар, ўқитувчилар ва талабалар олдида қандай вазифалар турибди? Ўқитиш жараёнида нималарга эътиборни кўпроқ жалб қилиш керак деб ҳисоблайсиз?

— Юқорида таъкидлаганимдек, бизнинг кафедрамиз илгари жуда тор доирада иш олиб борарди. Яъни фақатгина шимолий Ҳиндистон халқларининг тили, маданияти, тарихи ва бошқа томонларини ўрганиш билан чегараланган эди. Эндиликда эса давлатимиз мустақил бўлди. Хоҳлаганча имкониятга эгамиз. Шунинг учун энди фақатгина шимолий Ҳиндистон билан чегараланмасдан, балки Ҳиндистон ярим оролига кирадиган Покистон, Бангладеш, Шри Ланка, Непал ва Бутан каби давлатларнинг маданиятини, тилини, адабиётини, тарихини ва бошқа маърифий томонларини ҳам пухта ўрганишни тезлик билан бошлашимиз керак.

Ушбу давлатлар гарчи этник, географик, сиёсий, диний ва бошқа томонларига кўра ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турсада, ўтмишда, яъни қадимги даврлардан бошлаб уларнинг халқлари бир-бири билан ёнма-ён яшаб келишган. Шу сабабдан уларнинг маданияти, тили, адабиёти, илму фан, тижорат ва ижтимоий ҳаётида яқин бир муштараклик азалдан шаклланиб келган.

Дарҳақиқат, Осиёнинг бошқа минтақаларига нисбатан Ҳиндистон ярим ороли минтақасида яшовчи халқларнинг урф-одатлари, юриш-туриши, психологик хусусиятлари бирмунча ажралиб туради. Ушбу хусусиятлар уларнинг тиллари ва адабиётларида ҳам ўз аксини топган. Демак буларни ўрганиш учун комплекс ёндошув қўлланилиши зарур. Ушбу ёндошувнинг энг муҳим томони шуки, бу халқларнинг маданий меросини ўз ичига олган қадимги санскрит тилидан ташқари қадимги форс, тибет, ҳиндихитой, хитой, туркий тилларнинг ҳам асосий тушунчаларини талабаларга сингдиришимиз керак.

Бундан ташқари бу минтақага араб ва шунингдек ислом ва юнон маданияти ҳам ўз таъсирини ўтказган. Шу сабабли бизнинг мақсадимиз ушбу минтақадаги умумий маданиятни ўрганишдан ташқари бу маданият таркибидаги асосий ташкил этувчи элементларни ҳам ўрганишимиз зарур.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқорида айтганларимиздан ташқари ҳозирги Ҳиндистон, Покистон ва шу минтақадаги бошқа халқларнинг кейинги даврда пайдо бўлган янги тилларини ва адабиётларини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хуллас кафедрамиз олимлари, ўқитувчилари ва талабалари олдида бир қанча мураккаб вазифалар турибди.

— Суҳбатимиз сўнгида ўқув жараёнидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Тан олиш керак, илгари ўқув жараёнида фақат талабаларнинг сони кўпайсин деган нотўғри тушунчага берилганмиз ва сифат, савия каби муҳим томонларга кам эътибор қаратганмиз. Бироқ хатоларни ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам тузатган маъқул дейишади. Ҳозирги кунда таълим олаётган талабаларнинг иқтидорига, шахсий имкониятларининг ўсиш ва ривожланишига катта эътибор беряпмиз. Шунинг учун ҳам бизнинг бўлимимиздаги талабалар сони ҳар йили 70-80 нафардан иборат бўлиб келаяпти. Аммо натижалар ёмон эмас. Биз тез-тез, қўнгилли равишда анкеталар орқали талабаларнинг имкониятларини синаб турамиз. Бу йилдан бошлаб бенгал ва панжоб тилларини ҳам ўқитаяпмиз. Энг иқтидорли талабаларнинг эса тамил тилини мустақил равишда ўрганиши режаларини белгилаб қўйганмиз. Биз бу билан келажакда ушбу тилларни билувчи мутахассисларни ҳам тайёрлаб чиқарамиз. Ўйлайманки бу режаларимиз яқин йиллар ичида амалга ошади.

Суҳбатни Муҳиддин БОЗОРОВ олиб борди.

Василий Куряков Ўзбекистон сув хўжалиги вазирлигига қарашли 11-қурилиш-тиклаш бошқармасида пайвандчи бўлиб ишлаётганига қарийб 24 йил бўлди. У шу йиллар мобайнида қанчадан-қанча турар жой биноларини қуришда иштирок этди. Бундан ташқари у ўзига муносиб бир қанча шогирдларни ҳам тарбиялади.

СУРАТДА: бригадир Аҳмаджон Рўзиев, пайвандчи Василий Куряковлар иш устида.

** Меҳнат жамоаларида*

УМИДАНИНГ ДИЛ СЎЗИ

«ШАРҚ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасига бориштан мақсад корхонада тайёрланаётган янги буюмлар билан танишиш эди. Бизни қизиқтирган масала билан асосан корхонанинг попоп цехи шуғулланаётганлиги учун ишни шу жамоадан бошладик.

— Асосан биз янги туркумдаги маҳсулотларимизни миллий байрам — Мустақиллик кунига совға сифатида тайёрлагандик, — дейди саволимизга жавоб бера туриб цех бошлиғи Маълума Самиғова. — Бу маҳсулотлар орасида миллий тўн ва дўппилардан ташқари янги турдаги чойшаб, зардевол, кирпеч, гул кўрпа, палак ва бошқа уй безаклари бор.

Жамоамиз корхонанинг энг йирик ишлаб чиқаришларидан бири саналади. Бу ерда 500 хотин-қиз меҳнат қилади.

Аждодларимизнинг қўлида сайқал топган миллий кашталаримизни мерос сифатида ҳамиша авайлаб-асраб келамиз. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда ҳам бирлашмамиз музейида кўргазма сифатида сақланмоқда. Биз издошлар уларнинг ишини давом эттираётганлигимиздан фахрланамиз. Ҳозир цехларимиздаги барча юмушлар автоматлаштирилган. Унумли тикув машиналари маҳсулотларни тез ва соз тикиб беради. Ихтиёримизда Япониянинг «Чори» фирмаси томонидан келтирилган 20 та машина, Олмониянинг тез ва соз иш бажарувчи «Зингер» ва Украинанинг ҳар томонлама қулай бўлган «Киев» машиналари бор. Булардан ташқари миллий дўппи ва сўзаналарни тикишда электрон-ҳисоблаш машиналари бизга қўл келмоқда. Бу ЭҲМлар етти хил турдаги иплардан буюм тикишда бизга ёрдам беради. Улар ҳар бир рангли ип учун алоҳида дастур тузиб, бир соат давомида олти ва етти турдаги маҳсулотни ишлаб чиқара олади. Иш тартибимиз икки смена асосига қурилган. Агар билсангиз иккинчи сменада хотин-қизларимиз икки соат кам ишлашади. Биз Юнусобод ва Шайхонтохур районларидан қатнаб ишлаётган хотин-қизларимизнинг талабларини ҳисобга олиб ўтган йили шундай қарорга келгандик.

Цехни айланишда давом этамиз. Тўрт қатор қилиб ўрнатилган тикув дастгоҳлари орасидаги узун йўлакларнинг ўнг ва чап томонларидан қатор бўлинмалар ўрин олган. Катта уста Нозима Исҳоқова бошқараётган бўлинма хотин-қизларининг ишлари билан қизиқдик.

— Бўлинмамиз имкониятдан кўпроқ ишни бажариши мумкин эди. Лекин бизни маҳсулот танқислиги қийнамоқда. Чунки миллий буюмларимизни тикишда ишлатиладиган маҳсулотларни турли жойлардан олиб келамиз, — деб тушунтиради Н. Исҳоқова. — Чунончи, духобалар Россиянинг Камишинск шаҳридан, бахмаллар эса Самарқанддан келтирилади. Узимизнинг тўқимачилик комбинатимиз бизга фақат сатин етказиб беради холос. Кейинги пайтларда четдан мол олиб келиш анча қийинлашди. Узоққа бормайликда биргина самарқандлик шартномачиларимизни олайлик. Мана уч ойдирки, бизга бахмал етказиб беришолмаяпти. Бироқ шунга қарамай жамоамиз бир сменада 1 миллион 994 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Республикамизнинг бир йиллик тўйига тараддуд кезларида ишларимиз айниқса кўпайиб кетди. Чунки биз нафақат совғалар тайёрлаш билан, балки, пойтахтимиз музейлари ва саройларини миллий буюмларимиз билан безаш, уларни бутун жаҳон халқларига кўз-кўз қилиш вазифасини ҳам ўз зиммамизга олгандик-да...

Ҳур Ўзбекистоннинг эркинлиги ва мустақиллиги йўлида жон куйдириб меҳнат қилаётган жамоа ишларидан фахрланиб, корхонадан чиқар эканмиз, мақоламизни цехнинг моҳир тикувчиси Умида Аҳмедованинг қуйидаги сўзлари билан якунлашга жазм этдик:

— Мен дунё миқёсида Ўзбекистон давлати борлигидан ғоят фахрланаман. Унинг озод фуқароси бўлишим эса менга қанот бағишлайди. Ана шу ҳур давлатнинг камолини жаҳонга намойиш этишда кичик улушимни қўшаётганлигимдан бахтлиман.

Бу биргина Умидахоннинг эмас, балки бутун жамоанинг дил сўзларидир.

Нарзулла ҲАМРОЕВ.

** Бўш вақт қандай ўтмоқда?*

УНУМЛИ МЕҲНАТ ГАРОВИ

ЯҚИНДА жамоатчи муҳбиримиз «Таштекстилмаш» заводи оромгоҳининг директори Евгений Петрович Мартинов билан суҳбатда бўлди.

— Евгений Петрович, бу оромгоҳда кўп йиллардан бери хизмат қилар экансиз. 1980 йиллар билан 1990 йилларни солиштирганда, нималарни эътибордан четда қолган деб ўйлайсиз?

— Тўғри савол. Аввало шуни айтишим керакки, 1980 йилларда ва ундан илгари ҳам оромгоҳ хизматчилари меҳнаткашларнинг яхши дам олишлари учун барча чораларни кўрганлар. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан бугунги кунда ҳам ўша анъаналарни давом эттириб келаяпмиз. Энди саволингизга келсак, менинг билишимча, давр эмас, замон эмас, биз инсонлар ўзимиз ўзгариб бораяпмиз. Тўғри, бир вақтлар йўлланмалар атиги бир сўм турар эди. Кейинчалик эса уч сўмга чиқди. Бугун эса, 30 сўм. Лекин бугунги кунда 30 сўмга мушук ҳам офтобга чиқмайди. 30 сўм тўлаб икки кун бу ерда маза қилиб дам олиб кетсангиз, бир ҳафта давомида мазмунли меҳнат қилишингизга катта ёрдам беради. Бу ерда овқатдан бошқа ҳамма нарса бепул. Икки кун хоҳлаган машғулотингиз билан шуғулланишингиз мумкин.

Илгари спорт ташкилоти ходимлари, касаба уюшмаси, маъмурият, ижодкорлар, санъаткорлар ташриф буюриб, қизиқарли тадбирлар ўтказиб туришарди. Мана икки-уч йилдирки, шундай тадбирлар онда-сонда ўтказиладиган бўлиб қолди.

Қайси бир йиғинда, оромгоҳни ёпиб ташлаш масаласи ҳам кўтарилган эди. Гўё заводга фойда келтириш ўрнига, зарар келтираётган эмиш. Харажатлар кўпайиб кетган эмиш. Хайрият, бунга директоримиз Ю. Ф. Пайгин йўл бермади. У қандай харажат бўлганда ҳам оромгоҳимиз сақлаб қолинади, деб қатъий туриб олди. Ҳақиқатан ҳам қўл остидагиларнинг соғлом, бақувват, хушчақчақ ҳаёт кечириб, яхши меҳнат қилишларини истаган ҳар бир раҳбар, фақат ана шундай жавоб бериши мумкин. Инсон саломатлиги ҳар қандай харажатдан ҳам, бойликдан ҳам қиммат туришини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак.

— Шу ўринда бир савол туғилади. Билишимча, бу ерга дам олувчилар фақатгина шанба, якшанба кунлари таклиф қилинадилар. Ҳозирги кунда санаторийларга бериладиган йўлланмалар қимматлашиб кетди. Меҳнаткашлар меҳнат таътиллари вақти қаерда яхшироқ дам олишларини билишмайди. Агар бир иложини қилиб, йил — ўн икки ой оромгоҳда меҳнаткашларни узлуксиз қабул қилиш имконияти туғдирилса мақсадга мувофиқ бўлмасмикин?

— Жуда соз бўларди. Бу ҳақда бош қотирилмоқда, ҳисоб-китоб қилинмоқда. Аммо биласизми, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Одатда одамлар бу ерда 1 майдан 30 сентябргача қабул қилинади. Кўчма ошхона хизмат қилади. Ҳозирча дам олувчиларга фақат дам олиш кунлари хизмат қилишга тайёрмиз, холос. Мунтазам хизматни ташкил қилиш учун кўплаб хизматчиларга эга бўлишимиз керак. Ҳар хил дўконлар, ошхоналар ва бошқа маиший хоналар қурилмаса, мунтазам ишловчилар ишга қабул қилинмаса, дам олувчиларнинг яхшироқ дам олишлари амримаҳол. Улар ўзлари билан овқат олиб келишса, у фақат маълум вақтгача етади, холос. Балки, кейинчалик ушбу муаммолар ҳам ҳал этилар. Бироқ ҳозирча бу масалалар муаммо бўлиб турибди.

— Евгений Петрович, ажойиб боғларингиз бор экан. Боғбон ва унинг меҳнат фаолияти тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— Хўп бўлади. Сиз кўриб турган боғдаги дарахтлар ҳар йили парваришлаб борилади. Айниқса мевали дарахтларни кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу ишда боғбонимиз Ҳақназар Тилововнинг хизматлари катта бўлмоқда. У ўз оила аъзолари билан шу ерда яшайди ва меҳнат қилади. Биз унинг меҳнатидан ҳамма вақт мамнунмиз.

Бобомурод ИМОМОВ.

⊙

Сиз суратда кўриб турган Ойсанам Тожибоева «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келади. Ишлаётганига икки йил бўлганига қарамасдан у бичган кийимлар ҳамиша аниқ ва сифатли чиқади.

⊙

Тошкент абразив заводида таъмирлаш ишлари кетиши муносабати билан корхонада кўп ишчилар меҳнат таътилига кетган. Ишчиларнинг яна бир қисми эса завод атрофини тартибга келтиришда қатнашмоқда. Суратда тасвирланган Сафар Ҳамзоев ҳам корхонанинг тез ва соз таъмирланишида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Рустам Шарипов ҳамда Андрей Пишненко суратлари.

⊙

Янги дарсликлар

ЎҚИШ ва ўқитиш жараёнида меҳнат таълими етакчи ўрин тутади. Айниқса, ўқувчиларни уй-рўзғор ишлари меҳнатига жалб этиш муҳимдир. Бу борада ҳам мактаб таълимида бой тажрибалар орттирилмоқда. Бу каби дарс машғулотларини уюштиришда ўзбек ўқитувчилари кўп йиллар мобайнида Москвада тайёрланган дарсликларга таяниб иш кўрардилар. Эндиликда бунга чек қўйишди. Маҳаллий шароитни инобатга олган ҳолда ўзбек тилида дарсликлар босмага тайёрланди. Бешинчи синфлар учун қизларга «Хизмат кўрсатиш меҳнати» дарслиги тақдим этилди. Худди шунингдек, ўғил болалар учун «Қишлоқ хўжалиги меҳнати» дарслиги тайёрланди. Бундан ташқари иккинчи синф ўқувчилари учун «Меҳнат дарслиги» чоп этилди.

Сводат ОДИЛОВА.

** Истеъмол буюмлари манзурми?*

ИМКОНИЯТЛАР ИЗЛАНМОҚДА

«ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилади. Бугунги кунга келиб корхонанинг халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 21-цехида, бошқа бўлинмаларнинг шу турдаги маҳсулотга мослашган участкаларида ўндан зиёд халқ истеъмол буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу ерда боғбонлар ишлатадиган қайчидан тортиб болалар учун мўлжалланган тебранувчан ором курсигача тайёрланади.

Гарчи халқ истеъмол буюмларининг товар ҳажми йилига 27 миллион сўмни ташкил этаётган бўлсада, бирлашма раҳбарияти бу турдаги маҳсулотни янада кўпроқ ишлаб чиқариш устида тинмай изланмоқда, қўшимча имкониятларни қидирмоқда. Бунда асосий эътибор аллақачон жорий этилган маҳсулот ҳажмини оширишга эмас, балки халқ истеъмоли буюмларининг янгидан-янги турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилмоқда.

Бирлашманинг махсус конструкторлик бўлими қошида халқ истеъмоли буюмларининг дастлабки янги туркумини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган гуруҳ борки, биз мазкур гуруҳнинг сўнгги ишлари билан танишишни лозим топдик. Бу гуруҳ кейинги даврда бир қанча янги маҳсулот турларини яратди ва шубҳасиз, улар истеъмолчиларни қизиқтириши мумкин.

Масалан, болакайлар учун махсус тайёрланган доминони олайлик. Бу доминода одатдаги рақамлар ўрнига ҳар хил расмлар акс эттирилган. Расм бўлганда ҳам, мева ва бошқа ширин егуликларнинг расми, доминонинг «Шарқ неъматлари» деб аталиши ҳам бежиз эмас. «Малиш» деб номланган спорт мажмуи ҳам ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда. Бу мажмуани бемалол хонадонга мослаб, болакайларнинг соғлом бўлиши учун шароит яратиш мумкин. Бу жиҳоз — уч турдан — турник, ҳалқа, арғимчоқдан иборат. Бироқ янги буюмни кўп миқдорда ишлаб чиқаришга жорий этишда баъзи бир тўсиқлар пайдо бўлмоқда.

— Гап шундаки, — дейди халқ истеъмоли буюмлари конструкторлик гуруҳининг раҳбари В. Н. Колбин, — шу жиҳозларни тайёрлаш учун зарур материал етишмаяпти. Биз вазиятдан чиқиб кетиш мақсадида, ишланмалардаги деталларни мавжуд ҳом ашёга мослаштираяпмиз. Масалан, доминонинг қутисини олдинига картондан қилмоқчи эдик, аммо картон йўқлиги маълум бўлгач, уни пластмассадан тайёрлашга қарор қилдик. Буни қарангки, пластмасса ҳам йўқ экан. Аҳвол шундоқ бўлгандан кейин ишланмамиз қачон жорий этилишини ва умуман жорий этилиш мумкинлигини ким ҳам айтиб берарди.

Домино ва спорт мажмуини жорий этишдан фарқли ўлароқ, йигма тўсиқ туркумини тадбиқ этиш анча осон кўринди қолди. Нега деганда уни тайёрлашга камёб хом ашё ёки материал эмас, қолдиқ темир ва тўр бўлса бас.

Бундан ташқари яна бир ишланма — СХ 1—2 кичик ярим тиркамасини жорий этиш якунланмоқда. Мазкур тиркама шахсий томорқасига эга кишиларга, фермерларга анча асқотган бўларди.

Маълумки, шахсий машина эгалари эҳтиёт қисмларни ислаб анча овора бўлишади. Бундайларнинг сони корхонанинг ўзида ҳам анчалигини ҳисобга олиб бирлашма ҳудудида ВАЗ автомашиналарининг баъзи-бир эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Жумҳуриятимиз пиллакорлари учун қувончли янгиликни айтмоқчиман. Халқ истеъмоли буюмлари конструкторлик гуруҳи шу кунларда ипак қуртларини тут барги билан озиқлантиришнинг мажмуа линияси ва махсус сўри тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Агар мазкур ишланма жорий этилса, пиллакорларнинг машаққатли меҳнати бироз бўлсада енгиллашган бўларди.

Хуллас, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг махсус конструкторлик бўлими қошидаги халқ истеъмоли буюмлари конструкторлик гуруҳи муҳандислари қўл қовуштириб ўтиришганлари йўқ. Улар халқимизнинг замонавий техникага, жиҳозларга бўлган талаб — эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бирлашма маъмурияти келажакда халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришга катта аҳамият бериш ниятида эканлигини биргина қуйидаги фактдан ҳам билиб олса бўлади. Лойиҳачилар гуруҳи раҳбари В. Н. Колбиннинг айтишича, бирлашма бўйича кейинги йилдан бошлаб халқ истеъмоли буюмлари борасида энг яхши таклиф танловини ўтказиш ҳақида буйруқ тайёрланмоқда. Танлов голиблари ва совриндорларини пул мукофотлари ва камёб рўзғор буюмларини олишга ҳуқуқ берадиган талон билан мукофотлаш кўзда тутилмоқда.

Толиб НУРМУҲАМЕДОВ.

Сиҳат-саломатлик

ФАРЗАНДИНГИЗ ЧИНИҚҚАНМИ?

ҲАР бир ота-она ўз фарзандининг яхши ўқиши билан бирга сиҳат-саломат бўлишини ҳам хоҳлайди. Шундай экан, ота-оналар бунинг учун нималарга эътибор беришлари лозим, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиийдир. Бу масала бўйича бола билан боғча ёшидан бошлаб шуғулланиш яхши самара бериши аниқланган. Бунда тарбиячилар ота-оналар билан яқин ҳамкорликда болаларда ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш, уларни меҳнатсеварлик, боғчада, уйда ўзларига ўзлари хизмат қилиш кўникмаларини ҳосил қилишлари керак.

Болада бундай кўникмаларни ҳосил қилиш учун аввало у соғлом бўлиши керак. Бунда тўғри ташкил қилинган кун тартибининг аҳамияти каттадир. Уни шундай ташкил қилиш керакки, у нормал ухласин, ўз вақтида сифатли овқатлансин, ўқисин, меҳнат қилсин, яхши дам олсин. Агарда болага шу асосида ўз вазифаларини бажариш ўргатилса, у бунга тезда одатланади. Натижада асаб тизими ишида ҳам маълум тартиб вужудга келади. Бу эса боланинг яхши ўсишига имконият яратади ҳамда ўқиш қобилиятини оширади, чарчашнинг олди олинади.

Бола ҳар қандай иш бажарганида ҳам чарчайди, иш унуми пасаяди. Бундай ҳолатда баъзан дам олишнинг имконияти бўлмайди. Ўта чарчаган боланинг боши тез-тез оғрийди, уни дармонсизлик қийнайди, асаб тизимида кескин ўзгаришлар содир бўлиб, кутилмаган нохушликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун болаларни кун тартибига қўниктириш муҳимдир. Биринчи синф ўқувчиси 10-11 соат ухлаши, шундан 1-2 соатини кундузги уйқу ҳисобига олиши фойдалидир. Овқатланиш масаласига келганда биринчи синфга борган бола ҳам 3-4 соатда тўйимли, мазали ва хилма-хил овқатлардан бир кунда 4 маротаба истеъмол қилиши тавсия қилинади. Мактабда уларни иссиқ овқат билан таъминлаш мажбурийдир.

Мактабдан келган болаларнинг дам олмасдан уй вазифаларини бажаришлари улар саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Яхшиси овқатлангандан сўнг, ухлаб дам олгач, уй вазифаларини бажарганлари маъқул. Дарсдан сўнг «ойнаи жаҳон» кўрсатувларини кўришлари мумкин. Бу жараённинг 1-2 соатдан ортиқ давом этиши зарарлидир. Шунингдек, очиқ ҳавода ўйнаш, ота-оналарига уй ишларида ёрдам кўрсатишга одатланганлари фойдали.

Болаларни боғча ёшидан катталар ёнида қурбилари етгунча бадантарбияга қўниктириш ҳам яхши натижалар беради. Мана шу даврдан, яъни 5-6 ёшдан шахсий гигиена талабларини ўргатиш — эрта билан юз-қўлни совун билан ювиш, тишни тозалаш зарурлигини, уйқуга ётиш олдидан юз-қўл билан бирга оёқни ҳам ювиб ётишга одатлантиришни унутмаслик керак.

Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,
республика Саломатлик марказининг шифокори.

УЙ ШАРОИТИДАГИ ОДДИЙ МУОЛАЖАЛАР

Касал болани биринчи кундан бошлабоқ шифокор даволаши керак. «Билимдон» қариндошлар, таниш-билишлар ва қўшниларнинг маслаҳати билан иш тутиш фақат нодонликкина эмас, балки зарар ҳам келтиради. Бола касал бўлиб қолганда шифокорга олиб бориш ва унинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилган ҳолда даволатиш зарур.

Болани уй шароитида тўғри даволаш унинг тезда соғайиб кетишида муҳим роль ўйнайди. Она унча мураккаб бўлмаган тиббий муолажаларни тўғри бажариши лозим.

⊙ **Қоринни массаж қилиш.** Ёш болаларда ҳар қандай касаллик қориннинг қаппайиши, оғриши, жуда безовталаниш билан кечади. Оғриқдан оёқларини типирлатиб йиғлайди. Шундай ҳолларда қоринни силаш фойдали. Боланинг киндик атрофини соат стрелкаси каби бўйлаб айлантириб, оҳиста-оҳиста силанг. Қўлингиз албатта тоза бўлсин. Унг қўлингизга юпқа крем суртиб, кўпи билан 2-3 дақиқа силанг.

⊙ **Ҳароратни ўлчаш.** Термометр ёш боланинг қўлтиғи ёки човига қўйилади. Учи ярмисига кириб, тери бурмалари ёки оёқлар орасида туради. Термометр ўн дақиқа турса бас. Бемор ҳароратини ҳар 4 соатда ўлчаб, ёзиб боринг,

⊙ **Грелка қандай қўйилади!** Сувни 45 даражагача иситилади. Грелкани лиқ тўлдирманг. Сал қисиб, ҳавосини чиқариб юборинг ва шу заҳоти тиқинини бураб, маҳкам беркитинг. Грелкани тўнкариб кўринг, сув оқмасин, кейин уни йўргакка ўраб тиббиёт ходими айтган жойга қўйинг. Ёш болалар териси жуда нозик бўлади. Шунинг учун эҳтиёт бўлинг — куйиб қолмасин.

⊙ **Тозаловчи клизма.** Боланинг ичи келмаса аҳволи оғирлашади. Шунинг учун бир сутка ичида ичи келмаса клизма қилинади. Чақалоқларга чорак стаканга мўлжалланган 2 сонли, ярим яшар болаларга — ярим стакан сув кетадиган 3 сонли ва 4 сонли, бир ёшдан ошган болаларга 1 стакан сув кетадиган 5 ва 6 сонли клизма ишлатилади. Клизма учун сувни қайнатиб, 26-30 даражагача совутилади. Қўллар яхшилаб совунлаб ювилади. Учликни қайнатилади ёки қайноқ сувда бир неча марта ювилади. Клёнка солиниб, устига бир неча қават қилиб букланган йўргаклик қўйилади. Баллон совугач, ичига сув солинади. Кейин қолган сувни чиқариб юборилади. Баллон учини юқори қилиб кўтариб турилади ва сал сиқилади. Учига албатта вазелин суртинг. Болани чап ёнбошига ётқизиб, оёқлари тиззадан букилади. Бошқа нарсалар унчалик ифлос бўлмаслиги учун оёқлари орасига йўргаклик қўйилади. Кичкинтойни бир қўл билан ушлаб турринг, иккинчиси билан учликни тўғри ичакка 3-4 сантиметр киритилади ва секин аста сув юборилади.

⊙ **Горчичник.** 2 ош қошиқ қуруқ хантални 2 стакан илиқ сувда қорилади. Йирик доналар қолмасин. Унга йўргакликни ботириб, кейин сиқиб ташлаб боланинг бутун танаси бошидан ташқари ўралади. Оёқлари орасига қуруқ йўргаклик ёки адёл қўйилади. Териси қизаргунча 15-20 дақиқа турсин. Сўнгра илиқ сув қуйиб, артиб, кийинтириб ўринга ётқизилади. Кичкинтой шамоллаб қолмаслиги учун муолажа учун керакли нарсаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш керак. Горчичник дорихоналарда тайёр ҳолда сотилади. Уни уйда тайёрласа ҳам бўлади. Бунинг учун 1-2 чой қошиқ қуруқ хантални шунча миқдорда ун қўшиб, илиқ сувда сметанага ўхшаб қуюқ бўлгунча қорилади. Бўтқани тоза ҳўл матога суртиб, устига бошқа мато ёпилади. Горчичникни нам томонига қўйиб, болани усти ёпилади ва 10 дақиқагача, яъни бадан териси қизаргунча ушлаб турилади. Кейин горчичникни олиб, ёпишиб қолганларини вазелин ёки ёғ суртилган латтада артилади, болани иссиқ қилиб ўраб қўйилади. Горчичникни банка каби юрак соҳасига қўйиб бўлмайди.

⊙ **Кўз, бурун, қулоққа томчи дори қандай томизилади!** Дори томизадиган пипеткани қайноқ сувда чайилади. Қулоққа дори томизишдан олдин дорини идишни бир неча дақиқа илиқ жойга қўйиб қўйилади. Болани ёнбоши билан ётқизиб, қулоқ чиғаноғини сал орқага тортиб туриб, дори томизилади. 2-3 дақиқа ўтгач боланинг ағдарилишига рухсат берилади. Қулоққа бир бўлак пахта тиқиб қўйилади.

Бурунга дори томизишдан олдин бурун ичи яхшилаб тозаланади. Бунинг учун пахта пиликни қайноқ сувга ҳўллаб, ҳар бир бурун тешиги эҳтиётлик билан бураб тозаланади. Бу пайтда бола чалқанча ётиши ёки бошини орқага эгиши керак. Бола шу ҳолатда бир неча секунд ётсин. Бурнига қўлини теккизмасин.

Кўзга дори томизилаётганда тозаликка айниқса эътибор бериш керак. Дори томизадиган одам қўлларини яхшилаб совунлаб ювиши шарт. Пипетка албатта қайнатилади. Пастки қовоқни эҳтиётлик билан босиб туриб, пипеткани кўзга текизмасдан дори томизилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ.

* *Тиббиёт муассасаларида*

Ногиронлар суянчиғи

ШАҲРИМИЗДАГИ 17-шаҳар шифохонасида беморлар дардига малҳам бўлаётган ширин сўз шифокорларни кўплаб учратасиз. Шифохонанинг 3-бўлимида хизмат қилаётган тиш даволовчи шифокорлар тишлари, жағи синган, оғиз шиллиқ пардаси яллиғланган беморларни усталик билан даволаб келмоқдалар. Бу бўлимда бир марта ишлатадиган танага дори юборувчи мосламалардан фойдаланиляпти.

Маълумки, тиш оғриғи унчалик кўзга кўринмас дард. Аммо хуруж қилса борми, дунё кўзингизга тор кўриниб кетади. Ана шунда дардингизга дармон шифокорга ўз вақтида мурожаат этиб, шифокордан даво топиб, тамоман дарддан фориғ бўлган бемор ўз халоскорини ҳеч қачон унутмайди. Ўз касбининг устаси, тажрибали ва хушсуҳан шифокор Бахтиёр Абдуллаев раҳбарлигидаги шифокорлардан Марварид Хатипова, Роман Папанашев, Равшан Акбаров, Любовь Алкаева, Баҳодир Ҳошимов кабилардан беморлар мамнунлар.

ДАРДГА МАЛҲАМ

Собир Раҳимов районидаги Себзор кўчасининг 12-уйида яшовчи Баҳодир Обиджонов шундай дейди:

— Менинг жағим автомобиль ҳалокати туфайли лат еган эди. Бу бўлимга келганимда ҳатто гапиришга ҳам қийналган эдим. Палата шифокорию ҳамшираларнинг ширин сўзлари менга малҳам бўлди.

— Қисқа вақт ичида дарддан фориғ бўлдим, — дейди бемор Баҳодир Обиджонов. Айниқса ширинсўз, хушмуомала, оқила аёл, меҳрибон она, ҳамшира Холида Шокировадан, унинг хизматларидан беҳад хурсандман.

Бундай миннатдорчилик сўзларини Юнусобод районидаги Чумаков кўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчи 80 ёшли Саид Аҳмаджонов, Қашқадарё вилояти, Қамаши районидаги Карл Маркс давлат хўжалигининг 4-бригадасида яшовчи Жамила Ибодова, Сирдарё вилояти, Пахтаобод қишлоғи, Тут давлат хўжалигининг 2-бригадасида яшовчи онахон Несебали Шералиева ва бошқа беморлар шу бўлимдаги махсус дафтарга ёзиб кетишган.

Абдулла ТОЛИПОВ.

* *Нафосат оламида*

МУСАВВИРЛИК ТОШИНИҚЎЙГАНЛАР

...ДЕҲҚОННИНГ офтобда қорайиб кетган ҳорғин, сўлғин чеҳраси беихтиёр хаёлимизни тортади. Юзида, пешонасида пайдо бўлган ажинлар, ўйчан, маъюс термулиб турган кўзлари, чимириқ қошлари бир умр йўқчилик, ҳаёт машаққатларидан дарак бераяпти. Бошидаги эскириб кетган қора бахмал дўпписи, эгнидаги қора тўни оилавий турмушидан ҳикоя қилмоқда. Рўйрост рангтасвирда хира, қора, жигарранг, нурсиз, совуқ рангларни кўраётган бўлсак-да диққат билан кузатсак, деҳқон йигитнинг барвақт қариётган жуссасида она юртига ишонч, умид, келажак ҳақидаги ширин ўй-хаёлларини англаш қийин эмас...

Куни-кеча очилган кўргазмадаги асарлар анча йилдан буён намойиш қилишга рухсат берилмагач, Ўзбекистон Давлат санъат музейи жамғармасида ётарди. Республикамиз Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан миллий мусаввирларимизнинг бир қанча бундай ҳаққоний ишлари биринчи марта томошабин ҳукмига ҳавола қилинди.

Собиқ совет даврининг дастлабки йилларидан бошлаб мўйқаламда ижод қилган миллий мусаввирларимиздан бири Сиддиқийнинг «Жамоа хўжалиги аъзоси» портретида ана шу юқоридаги ғоявий мазмун акс эттирилган. Афсус, ҳақиқий деҳқон ҳаётини очиб берган бу бадиий асар 1930 йилда яратилиб, музейга қабул қилингани билан томошабинга гоҳ кўрсатилиб, гоҳ кўрсатилмай келингани учун кўпларга нотаниш. Музей хонасида доим ўрин 'олмай, тахлам санъат дурдоналари орасида қолиб кетаверишининг сабаби, Сиддиқий даврни кўкларга кўтариб, ёрқин ранглар ишлатмаган, ҳаётни бор бўйича ҳаққоний тасвирлаганди.

Ўша йилнинг ўзида Сиддиқийнинг ҳамкасби Латиф Насриддинов ҳам ҳаётни қандай бўлса шундайлигича тасвирлашга ҳаракат қилиб, «Деҳқон ўғли» номли портрет-асарини битказди. Асар қаҳрамони ҳали ёш бола бўлишига қарамай, чинакам деҳқонлардек катта кетмонни елкасига ташлаб, дала ишига шошиларкан уфқдан чиқаётган қуёшга қизиқиб, яхши кайфиятда боқиб, термулди-ю, чақнаб турган заррин нурларига бардош беролмай, кўзлари толди. Латиф Насриддинов яратган бола қиёфаси жигарранг, зарҳал, кўкимтир, оппоқ рангларда ифода этилгани учун барча кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилди. Сўнг, музейга қабул қилингач, санъат мухлислари эътиборини тортди. Мусаввир аслида болаларга хос хусусиятларни ёритиб, ёш авлодни табиат гўзалликларига мафтун эканлиги, заминга муҳаббатини тасвирлашни мақсад қилиб, уддасидан чиққанди.

Истеъдодли мусаввирларимиздан яна бири Баҳром Ҳамдамий туғма қобилият соҳиби, ўз халқи ҳаёти, удумларини пухта билган мусаввир эди. Ёш бўлсада Тошкент бадиий билим юртида ҳам ўқиб, ҳам дарс бериб, кўпларга устозлик қиларди. Мусаввирликнинг ҳамма жанрларида ижод қиларкан, қисқа умри (1910 — 1943) мобайнида юздан зиёд етук асар ижод этганди. Унинг 1930 йилдаги «Қиз портрети» ҳар томонлама пухта, миллий руҳда яратилгани билан санъат мухлисларини ҳайратда қолдиради.

...Қизнинг термулиб турган шаҳло кўзлари лўппи, кулча юзига чирой қўшиб, кишини мафтун этади. Камалакдек қошларига қўйган ўсмаси ўзига жуда ярашибди. Бошига ўраган оқ, гулдор рўмоли, кўйлак ва нимчаси балоғатга етиб, тўлишган қадди-қоматига қўйиб қўйгандек, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшаётгандек...

Шу йилнинг ўзида яратилган «Бола портрети», «Баҳодир портрети», «Автосурат» каби асарларида Б. Ҳамдамийнинг тасвирий санъатнинг мураккаб жанри —портретчиликда инсон руҳиятини миллий кўринишларда оча билишга усталигини пайқаш мумкин. 1940 йилдаги «Пахта терими» картинасида эса халқимизнинг пахтачиликдаги аҳволи, оғир меҳнатини тасвирлайди. Ранглар оқими орқали инқилобдан кейин ҳам ўзбек халқи орзуси амалга ошмаганлиги, ҳаёт тобора қийинлашганлиги, совет даврида сиёсат кучлилиги ҳикоя қилинади.

Миллати қозоқ бўлса-да, руҳан ўзбек фарзанди, Тошкентда туғилган табиат куйчиси Ўрол Тансиқбоев (1904—1974)нинг илк манзара асари «Салорда баҳор» сурати бизни узоқ ўйлашга мажбур этади. Тошкентнинг қадимий даҳаси Мингўрикда баҳор фасли, Салор ариғининг шилдираб оқиши, ям-яшил тепалик, адирларда болаларнинг яйраб мол боқиб юришлари, ўриқларнинг оппоқ гуллари кишига завқ беради. У даврни эмас, табиатни, одамлар қувончи, баҳорни куйлаяпти. Бу суратини мусаввир 1934 йилда яратганди. Халқимиз урф-одатларига маҳлиё боққан мусаввир «Тўйга» деб номланган тасвирида миллий одатларини унутмаган халқни шоирона куйлайди.

... Тўйга бораётган кишилардан бири тўёна сифатида улоқни етаклаб бормоқда. Бу қадимий урф-одатларимиз, таомилимиз бўлса, аёллар қўлларида миёнча, кичик болаларини кўтариб, каттароқларини етаклаб, улар ҳам гурунглашиб, хушманзара, сўқмоқ йўллардан одоб сақлаб аста-аста юриб, тўй бўлаётган томонга келишаяпти. Шу кўриниш, миллий қиёфалар табиат чиройига чирой қўшиб, теваракатрофни файзга тўлдиради.

Қўплар У. Тансиқбоевни табиат куйчиси деб, портретчи рассомлигидан бехабар бўлишлари мумкин. У совет даврида биринчилардан бўлиб портретчилик санъатини бошлаб берганди. Унинг 1927 йилдаги «Ўзбек портрети» асарида бошда дўппи, эгнида тўн, чордона қуриб эрталабки нонушта чоғи ҳаёл оғушида чой ичиб ўтирган ҳақиқий ўзбек кишисини кўраяпмиз. Шу тасвирни яратишда туғма қобилият соҳиби, тошкентлик мусаввир Акром Тошканбоев кўринишларидан фойдаланганди. Сирасини айтганда, ҳамон шу портрет асарнинг олдига тушадиган бирорта чинакам миллий қиёфани ўзида тўла-тўкис акс эттирган асар яратилгани йўқ. Кўргазмада намойиш этилаётган «Усмир» портрети 1939 йилда яратилган бўлиб, боланинг балоғатга етаётгани, мусаффо табиат ноз-неъматларидан баҳра олиб, ҳаёт ташвишларидан йироқ яхши кайфиятдаги ҳолати ҳаётий акс эттирилган.

Самарқандлик мусаввир Рашид Темуров (1912—1991) нинг «Шимолий Тошкент канали қурилиши» (1943 йил) асарида ўша давр ҳаётига хос қурилиш ишларидан бирини томоша қилиб, завқ олишимиз мумкин. Бошқа ишлар каби бунда ҳам халқимизнинг меҳнаткашлиги, аҳиллиги, яхши яшаш учун орзуси, иродаси, жасорати меҳнат жараёнида акс этган. Катта Фарғона канали, Лоғон канали, Фарҳод канали, Каттақўрғон сув омбори қурилишлари каби зарбдор қурилишларда техникасиз, фақат кетмон, чўкич, белкуракларда ишлаб замбил, ҳатто қопларда тупроқ кўтаришган. От-аравалар ёрдамида оғир ишлар бажарилганди. Тошкент каналини бунёд этишда ҳам худди шундай ҳаёт, тинимсиз меҳнатни мусаввир Рашид Темуров катта маҳорат билан ҳаётий тасвирлаган.

Намойишга қўйилган санъат асарлари қаторида ўзбек аёлларидан етишиб чиққан мусаввирлардан бири Шамсирўй Ҳасанова ишларидан намуналар ҳам ўрин олган. Мусаввира рассомликнинг натюрморт, манзара, портрет жанрларида ижод қилганди. У ҳозирги пайтда саксон ёшлик тўйини ўтказиш арафасида турган халқимизнинг севимли мусаввири, шарқ куйчиси, замонамиз Беҳзоди, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг шогирди ҳам умр йўлдоши эди. Ҳар бир яратган асари ниҳоясига етган нафосатга бой, ўзи каби гўзаллиги билан эътиборни тортарди. Унинг Зебуннисо, Увайсий, Маҳзуна, Меҳри, Мутрабодек шарқимизнинг оқила, шоира, ҳам қўшиқчи, малика аёллари қиёфаси мухлисларга ёд бўлиб кетган. Мусаввиранинг асосий мавзуи аёллар бўлиб, шу мавзунинг жозибали чиқишида устози Ч. Аҳмаров хизматлари сезилиб турибди. Кўргазмага файз киритиб турган ишларидан бири «Шоира Комила портрети» томошабинларда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Айримлар бу ким экан, дейишлари мумкин. Мусаввира қўқонлик шоира — малика Нодирабегимни тасвирлаган. Шоира маликаларга хос, сарой кийимида акс эттирилган. У тонг пайтида сарой чеккаси, бир тарафи боғ, ўз ижодхонасида ижод қилиш олдидан ўйҳаёллар оғушида турибди. Бу асарини Шамсирўй Ҳасанова 1947 йили миниатюра услубларида тасвирлаганди. Далада меҳнат қилаётган аёллар ҳаётидан «Кетмончи аёллар» картинасида мусаввира ўзбек аёлларининг иш пайтидаги миллий кўринишларини ифода этиб, уларни «фаровон ҳаётда» яшаётган ҳисобласаларда аслида аҳвол умуман тескари бўлганлигидан уларнинг аҳволига ачинади. Бошқа асарларига нисбатан ушбу ишида ёрқин ранг мутлоқ ишлатилмай, анча хира, нохушликни билдирувчи бўёқлар, узоқлардаги орзуни билдирувчи зарҳал ранг кўзга ташланади. Бу эса, мусаввиранинг ҳаётни бўямай, ҳақиқатни айтишидан далолат беради.

Кўргазмага қўйилган асарлар муаллифлари эндиликда орамизда йўқ ва лекин санъат мухлислари улар ишларини кўришаркан, хаёлларга толиб халқим деб яшаган фидойи инсонларнинг руҳи шод бўлаётганлигини билдираётирлар.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.

СУРАТЛАРДА: Б. Ҳамдамийнинг «Қиз портрети» ҳамда У. Тансиқбоевнинг «Тўйга» асарлари.

Самара бераётган тажриба

БЕМОРНИ даволашда унинг ижтимоий шарт-шароитини ҳам ҳисобга олиш ижобий натижалар бераётир. Бундай чора-тадбирлар ижросини 33-поликлиника мисолида кўришимиз мумкин. Кексалик ёки ногиронлик туфайли шифохонага қатнаш имкони бўлмаган беморларга шифокорлар ташаббуси билан уй шароити даги касалхона ташкил этилган. Шифокор Нодира Юнусова олиб бораётган тажрибанинг бу усули яхши самара бермоқда. Бемор уйида шифохона шароитини яратиш унинг дарддан фориғ бўлишини осонлаштиряпти. Ҳозирга қадар уйда даволаниш усули билан 150 бемор ўз дардига шифо топди.

Поликлиника қошида 17 ўринли кундузги стационар ташкил этилган. Бу ердаги физиотерапия бўлимида шаҳар бўйича ягона ҳисобланган электрофарез аппаратн ёрдамида кўз хасталигини даволаш усули йўлга қўйилган. Бу эса шифохона жамоасининг энг замонавий тиббиёт изидан бораётганлигидан далолат беради.

СУРАТЛАРДА: кундузги стационар шифокорлари Насиба Парпибоева (чапда) билан Маша Сандкаримовалар бемор аҳволини кўздан кечиришмоқда (юқоридаги сурат); кардиология хонасида шифокор Зуҳра Аминова (чапда) ҳамда ҳамшира П. Карташовалар навбатдаги беморни қабул қилишди.

Андрей Пишненко суратлари.

АСКАРЛИК ХИЗМАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Таниқли телекўрсатув ва кино мубошири Шавкат Маҳбубов Ўзбекистон ҳужжатли илмий-оммабоп фильмлар студиясида «Қасамёд қиламан» номли фильмни суратга ола бошлади. Бу билан ижодкорнинг киноасари 80 дан ошиб кетди.

— Фильмимизнинг номи ҳарбий қасамёддан олинган, — дейди Ш. Маҳбубов. — Хўш, унда қандай масала кўтарилган? Республикамиз Мустақиллигини кенг нишонладик. Эндиликда ўз миллий гвардиямизга эгамиз, йигитларимиз бурчларини асосан она юртларида ўташмоқда. Бизнинг мақсадимиз ана шундай ўзгаришларни кўрсатишдан иборат. Фарзандларимиз қуролли кучлар сафида фақат хизмат қилиб қолмай, касб ҳам ўрганишаётганини тасвирлашга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда танкчилар билим юртида, десантчилар қисмида бўлишимизга тўғри келди. Автомобилчилар ўқув юртини ҳам тасвирга туширдик. Мазкур фильм устида ишлашга киришишимиздан бошлаб, республика Мудофаа вазирлиги катта ёрдам кўрсатмоқда. Картинанинг сценарий муаллифи — Вилор Ниёзматов. Ҳарбий маслаҳатчимиз — Мудофаа вазирлигининг штаб бошлиғи, генерал-майор Пелюгин бизга ёрдам қилаяпти.

Марат УСМОНОВ.

МАНГУ ЛАҲЗАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН бўйлаб уюштирилган бу ижодий сафар самарали бўлди. Чиндан ҳам таниқли кинооператор Б. Хўжаев бошчилик қилган ижодий гуруҳ жойларда бўлиб, кўплаб қизиқарли кинолавҳаларни тасвирга тушириб, ўзбек диёрини мадҳ этувчи картиналар устида катта илҳом билан иш олиб бордилар.

Мангу лаҳзаларга айлантирилган ушбу жонли лавҳалар асосида иккита ҳужжатли фильм юзага келди. Шу ижод намуналаридан бири «Менинг Ўзбекистоним» деб номланди. «Ўзбекистонга марҳабо!» деб аталган фильм орқали ўзбек диёрининг, унинг азамат кишиларининг бугунги ютуқлари тараннум этилди. Ҳар иккала экран асарлари Мустақиллик байрамига киносанъаткорлар тайёрлаган ижодий совға бўлди.

Карим АҲМЕДОВ.



Ўлкамизга олтин куз ўз таровати билан ташриф буюрди. Дастурхонларимизда тўкин-сочинлик, хонадонга файз, қут-барака кирди. Куз, шунингдек тўйлар фасли. Оқшомлари онахонлар, қайнона-келинлар ширин суҳбат қурадилар.

Рустам Шарипов суратлари.

⊙ **Минг таассуфки, ҳаётда адолат ва разолат, садоқат ва қабоҳат, оқиллик ва нодонлик, поклик ва жирканчлик, тўғрилик ва ўғрилик баъзи ҳолларда ёнма-ён юради. Қадим-қадимдан инсоният онгига яшашдан маъно фақат одамларга яхшилик қилиш, деган тушунча сингиб кетган. Аммо орамизда шундай шахслар ҳам борки, улар инсон жонига қасд қилишдек ўта кетган тубанлик ва разиллик жаҳолатидан қайтмайдилар.**

ЖИРКАНЧ ҚАБОҲАТ

МАҲМУД Дўстматов Тошкентда туғилган. Қамоққа олингунча Собир Раҳимов районидаги Ибн Исмоил Шоший кўчасининг 1-боши берк кўчасидаги 55-уйда яшаган. У биринчи марта Мирзо Улуғбек (олдинги Куйбишев) райони халқ суди томонидан уч йилга ҳукм қилинган. Жазони ўтаб бўлгач, 3-автобус паркида чилангар бўлиб ишлаган.

Ёз кунларининг бирида Собир Раҳимов район Янгиш тор кўчасининг 69-уйида яшовчи Пўлатхон Мамадалиеванинг хонадонида куппа-кундуз куни ўғирлик содир бўлди. Ўғри хонадон сандиғини бузиб ундан 5346 сўмлик турли-туман молларни ўмариб кетди. У шундай усталик билан иш кўрганки, ўзидан кейин бирон из қолдирмаган.

Кўп ўтмай худди шундай ҳодиса Тарих кўчасидаги 5-уйда рўй берди. Хонадон бекаси Зуҳра Отабоевага ҳаммаси бўлиб 3860 сўмлик зарар етказилган. Бу сафар ҳам ҳеч қандай из йўқ. Кўриниб турибдики, анча тажрибали ўғрини қўлга олиш осон эмас. Бирон бир далил бўлмагандан кейин эса фақат тахминларга кўра иш юргазиб бўлмайди.

Махсус гуруҳ ушбу жиноятлар илдизини қидириб юрган бир пайтда Янгиш тор кўчасининг 15-уйида нохуш ҳодиса рўй берди. Шу хонадонда яшовчи Саидаҳмад Саидазимовни қўшниси Маҳмуд Дўстматов чақириб олиб, унга нисбатан куч ишлатиб қўрқитди. Натижада Саидаҳмадга эртасига соат ўнгача уч жуфт янги пойабзал келтириш шартини қўйди. Акс ҳолда унга «қаттиқ жазо» беришини айтган. Қўшниси розилик билдириб уйига кириб кетгандан кейин эса унинг хонадонига бостириб бориб Саидаҳмаднинг хотинига: «Эринг юз сўм пул чиқариб бермоқчи эди, ваъдасининг устидан чиқмади. Ҳозир чақир уни», деб ўшқирган.

Аёл қўрқиб кетганидан у айтган пулни чиқариб берган. Эртаси куни Саидаҳмад олдига қўйилган талабни бажарган. Афсуски у бу ҳақда милиция ходимларига хабар қилмаган.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳодиса рўй берди. Тўрт ёшга тўлиб-тўлмаган қизалоқнинг эркаклар кўйлагига ўралган мурдаси уйнинг дивани тагидан топилди...

Ҳабибанинг ота-онаси тун бўйи мижжа қоқишмади. Ахир қандай ухлашсин. Кечагина ҳовлида чопқиллаб ўйнаб юрган қизчалари кутилмаганда ном-нишонсиз йўқолса. Милиция нотинч. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар нотинч. Тахмин қилинган жойлар чиғириқдан ўтказилди. Лекин қизчанинг на ўлиги, на тириги топилмади. Шунда Маҳмуд тилга кирди.

— Боя кўзим тушгандек бўлувди, фарзандингиз 6—7 синфда ўқийдиган нотаниш қизлар билан Хастимом томон кетаётган эди.

Бу сўз ота-онанинг қалбида умид учқунларини уйғотди. Улар Хастимомга югуришди. Лекин ярим тунда қайси хонадон эшигини очишсин. Қон йиғлаб уйга қайтишса қўшни уйда тўполон. Вой тавба, бу яна нимаси? Нима бало ёпишди бу кўчага ўзи? Ўғирлик, зўрлик, йўқолиш каби барча бузуқчиликлар нега энди шу кўчада содир бўляпти?

Кимдир шундай хаёлда донг қотган, бир кунда куйиб-жизғанак бўлган ота-онанинг олдига яқинлашди.

— Мана бу шап-шап қизингизники эмасми, мабодо?

— Ҳа, қизимизники, — дейишди ота-она бараварига, худди қизчалари ҳозир эшикдан кириб келадигандек кўзлари ўйнаб.

— Бу Маҳмуд Дўстматовнинг ҳовлисидан топилди.

Ҳамма ўша томон югурди. Маҳмуд ҳовлида оғзидан боди кириб-шоди чиқарди. Кимнидир бўралаб сўкар, гўрига ғишт қаларди.

Қизалоқнинг ота-онаси дарҳол унинг бўғзидан олганда ҳушига келди.

— Қизимизни топиб бер, номард?

— Билмайман...

Ҳаммаёқ ағдар-тўнтар қилинди. Ниҳоят қизалоқнинг ўлиги хонадаги диван тагидан топилди...

Ушбу воқеани батафсил баён этишга эса тил ожиз.

Яқинда Тошкент шаҳар суди бу жиноий ишни кўриб чиқиб, қотилга олий жазо белгилади.

ШУРИ ҚУРИГАН ОИЛА

ИККИ ҚАДРДОН — Қаҳрамон билан Тошқул келишмай қолишди. Жаҳл устида сан-манга боришди. Бўлган гап шу. Лекин Қаҳрамон ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ўзини камситилган, қаттиқ ҳақоратланган деб билди. Бирдан уйдан ов милтиғини олиб чиқиб, бамайлихотир юмуши билан банд Тошқўлнинг кўкрагига тиради.

— Ҳазиллашма, — деди Тошқул саросимали жилмайиб. Шу дамда милтиқдан икки марта кетма-кет ўқ узилди.

Тошқул тилига келган сўзни айтолмай гурсиллаб ерга қуларди. Бироз типирчилаб жимиб қолди. Бу воқеа Бухоро вилоятининг «Шофиркон» давлат хўжалигига қарашли «Пирғин» қўйчилик отарида юз берди. Яқин атрофда ўзга кишилар бўлмагани учун икки чўпон ўртасида бўлган бу мудҳиш воқеани ҳеч ким сезмади.

Қотил Тошқулнинг жасадини анча овлоқ жойгача судраб борди. Қон ҳидини сезган қўйлар безовталаниб, қулоқ чимиришди. «Дўсти»ни ўз қўли билан ерга топширган Қаҳрамон оғир босиб орқасига қайтди. Ёмон иш қилиб қўйганини кўнглидан ўтказди. Қирлик чеккасидаги тошга чўккалаганича уфққа термилди. Қизариб ботаётган қуёш шафағи ҳозиргина ювилган қонли қўлларини кўз олдига келтирди. Беихтиёр бармоқларига тикилди. Улар қалб амрига дош бермай билинар-билинмас титрар эди. Кейинчалик бу титроқ аста секинлик билан бутун баданига тарқалди.

Қотил қалб туғёнига бардош беролмай бирдан ўкириб юборди.

— Нима иш қилиб қўйдим. Энди Тошқулнинг болалари мени соғ қўйишмайди. Улар катта бўлгач отасининг хунини олиши аниқ. Сир ошкор бўлмай илож йўқ-ку ахир. Бийдек далада икки киши бўлса-ю, улардан бири йўқолиб қолганини иккинчиси сезмаса. Йўқ. Бу гап билан фақат болаларни алдаш мумкин. Борди-ю кечаси отарга бўри ҳужум қилди десачи? Унда: «Нега бўри сени емай уни еб кетди», деб бош қотиришлари аниқ. Нима қилиш керак? Қандай қилсинки, бу сир фош этилмай қолса.

Ўйлади. Ётди, турди. «Болалари ўч олади» деган фикр барибир унинг хаёлидан бир зум нари кетмади.

«Бўлар иш бўлди», дея отига минди. Милтиғини елкасига осиб пичоғини қўнжига жойлаганича Тошқулнинг оиласи истиқомат қиладиган отарга жўнади. Йўлйўлакай нохуш хаёллардан кўзи қонга тўлиб борди. Отарга эрта тонг соат олтида етиб келди. Ширин уйқуда ётган оиланинг тинчлиги бирдан бузилди.

— Нима гап, тинчликми? — сўради биринчи бўлиб кўзини очган Тошқулнинг хотини Қанчайин.

Қотил саволга жавобан елкасидан милтиғини олди.

— Вой, ўлмасам. Бу нима қилиқ, — қўрқа-писа деди аёл.

Қўққисдан отилган ўқдан у ётган ерида жон таслим қилди. Қўрқувдан ёш набираларини бағрига босганича қотиб қолган онанинг тили калимага келмасди. Навбат ўн икки ёшли Талғатга етганди. Қотил уни уйга судради.

— Жон амаки, тавба қилдим мени ўлдирманг, — илтижо қилди у.

Севимли набирасининг шафқатсизларча бўғизланаётганини кўрган буви дод солиб бақирди. Одамларни ёрдамга чақирди. Аммо узоқ-узоқларда жойлашган чўпон оилалари бу овозни эшитишмади. Шундан кейин ўн ёшли Гулнур ва онаизор Қизжонлар ҳам шафқатсизлик билан ўлдирилди.

Аммо пичоқ зарбидан бадани илма-тешик бўлган Тургангул ва ўн саккиз кунлик Вейбутлар (ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли) зўр-базўр омон қолишди.

Қотил бу билан ҳам қаноатланмайди. Энди у воқеа содир бўлган жойдан қочиб кетган Тошқулнинг жияни вояга етмаган Улбузарни орқасидан отини қамчилайди. Уни қувиб етгач ўлдириш билан қўрқитиб қизчани отига мингаштириб «Шофиркон» давлат хўжалигида жойлашган «Айдар» кўлига олиб бориб ўша ерда уни зўрлайди. Мақсадига етгач жиноятни яшириш учун қизни ўлдирмоқчи бўлганида зудлик билан орқасидан тушган милиция ходимлари етиб келиб уни қўлга олишади.

Айниқса суд жараёнида жабрдийда Улгузар Алиеванинг айтган гапи ҳар қандай кишини ўйлантирмай қўймайди.

— Бундай одамлар қандай пайдо бўларкин? Ахир уларни ҳам она туққан-ку. Бешигини тебратиб, алла айтган-ку. Меҳр кўзи билан тарбиялаб вояга етказган-ку. Наҳот яхши ўғил ўстиришни орзу қилган онага фарзандининг жавоби шу бўлса. Бундайлар жамият учун ўта хавфли кимсалар. Бутун бошли оиланинг жонига қасд қилган, вояга етмаган гулчечак фарзандлари умрини бевақт ҳазон қилган бундай қотиллар қилмишига яраша жазосини олсин...

Суд ҳайъати бу ҳақли талабни ҳисобга олиб, Қаҳрамон Отажоновни ҳам олий жазога ҳукм этди.

ҚИММАТГА ТУШГАН МАНМАНЛИК

УША КУНИ Маннон Мамасодиқовнинг ичига чироқ ёқса ёнмасди. Негаки савдо-сотиқ ишлари олдига босмаяпти. Мана неча кунки, Қибрай яхна ичимликлар корхонасидан ўзига тегишли бўлган маҳсулотларни келтиролмайди. Машина тополмай гаранг. Ҳали у автобазага чопади, ҳали бунисига.

Кечки пайт уйга қайтаётса бекатда қадрдони Низом Позилов турибди. Айни муддао. У билан бироз отамлашиб кўнглини ёзиш ниятида машина рулини шарт у томон бурди. Низом шундоққина олдига шитоб билан келиб тўхтаган машинанинг кескин ҳаракатидан қўрқиб кетди. Қараса дўсти Маннон. У Низомнинг таҳликали ҳаракатидан қотиб-қотиб кулар, «Юракдан худо берган экан» деб тиззасига шаппатиларди.

— Ўтир, — деди у ниҳоят, машинанинг орқа эшигини очиб.

— Тинчлиими, — сўради Низом кабинага ўтираркан.

— Уйга бориб бироз чақчақлашамиз.

— Ишим бор эди-да.

— Иш-пишингни йиғиштир бугун. Бир маишат қилайлик.

Дўстлар Маннонинг «Марказ—2»да жойлашган 14-уйининг 4-хонадонида ош устида роса шакаргуфторлик қилишди. Ичкилик ҳам жойида бўлди. Кейин улар машинага ўтириб Ульянов шоҳ кўчаси томон йўл олишди. Чорраҳаларда қизил чироққа ҳам қарамай шошқалоқлаб бораётган «Г—73—77 СИ» номерли «Жигули»ни йўл назоратчилари икки марта тўхтатишмоқчи бўлишди. Бироқ ҳайдовчи хахолаб кулганича, уларнинг ҳаракатига мутлақо эътибор бермади.

Белгиланган жойда икки аёл қарчиғай қараш қилиб туришарди. Таниш «Жигули» улар ёнига келиб тўхтагач, индамайгина бўш ўриндиқларга ўзларини ташлашди.

— Қута-кута ўлдик-ку, — ноз-ланишди улар.

— Осон ишда лаззат бўлмайди-да, — учириқ қилишди йигитлар.

Машина катта йўл бўйидаги 2517-автобаза олдидаги буфет ёнида тўхтади.

— Яна нима бало бўлди, — сўрашди қизлар.

— Иккита коньяк олволай, — жавоб берди Маннон.

У бир ўзи машинадан тушиб ичкарига шўнғиди.

— Анавунисидан иккита узатвор, — деди Маннон шоша-пиша буфетчи Баҳриддин Бузруковга пул узатиб.

— Намунча ҳовлиқмасанг, олдин саломлашсангчи, — деди шу ерда турган таниши Тожимурод Ўринбоев Маннонга.

— Кимга, мен сенга салом бераманми? Вей биласанми мен кимман ўзи, — ўшқирди Маннон Тожимуродга тўсатдан.

— Хўп, тавба қилдим. Бўпти аравакаш айбдор.

Ҳазил аралаш айтилган бу гапдан Манноннинг жазаваси баттар қўзиди.

— Оғзингни юм, бўлмаса ҳозир онангни кўрсатиб қўяман.

— Бўлди қўйинглар, бир жойнинг одамлари, уят...

Баҳриддиннинг сўзи оғзида қолди. Маннон бир ҳамла билан қўлидаги пичоқни Тожимуродга санчди. Қоқ кўкракка урилган пичоқ зарбидан Тожимурод ерга қуларди. Нима айби учун ўлимга маҳкум бўлганлигини билмай Маннонга кўзини қадаганича оламдан ўтди.

Қўрқувдан Баҳриддин бақириб юборди.

— Энди навбат сенга етди, — деди Маннон пичоқни унга ўқталиб. — Овозингни ўчир, акс ҳолда бевақт нобуд бўласан бола. Яхшиси ўликни кўтар. Ҳеч ким билмас ерга жойла буни. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин.

Улар дарҳол ўликни ичкарига олиб киришди. Сўнг буфет эшигига қулф уриб жўнашди. Кутилмаган учинчи меҳмонни кўриб машиналардаги жононларнинг энсаси қотди.

— Кечирасизлар, маишатни кейинги кунга қолдиришга тўғри келиб қолди. Зарур иш чиқиб қолди, — деди Маннон қизлардан узр сўрагандек.

— Ўзимиз ҳам билувдига. Латтадек бўшашиб чиқиб келаётганингизни кўриб. Нима ҳам дердик, бизга юрагида ўти бор йигитлар керак.

Жононлар хайр-маъзурни насия қилиб машинадан тушиб жўнаб қолишди.

«Жигули» Ленинград кўчасидаги 20-уй қаршисида тўхтади. Маннон ичкари кириб, у ердан Ражаб Ғафуровни бошлаб чиқди. Воқеа содир бўлган жойга қайта туриб Маннон «Қизим сенга гапираман, келиним сен эшит» қабилида атайлаб Ражабга сўз қотди.

— Аканг бўламан-а?

— Шубҳангиз борми?

— Борди-ю шу тобда жиноятга бошласамчи?

— Очиғини айтаверинг. Мана бу ҳамроҳларингиздан бирортаси сизга номардлик қилган бўлса калласини узиб қўлига бермасам отимни бошқа қўяман.

Совуқ гапдан Низом ва Баҳриддинларнинг бадани сесканди. Ер остидан Ражабга ўғри қараш қилишди. Маннон ёйилиб кулди.

— Қойил, мардлигингга борман-да.

...Ғира-ширада уч киши ичкарига кириб жасадни кўтариб чиқишди. Маннон ташқарида пойлоқчилик қилиб қолди. Мурда «Жигули» юкхонасига жойланди.

— Энди сизларга рухсат, — деди Маннон Баҳриддин ва Низомларга қараб. — Уйларингизга жўнайверинглар. Аммо айтиб қўяй воқеадан ғиринг, деб бировга оғиз оча кўрсанглар, ўзларингдан ўпкалаларинг. Бола-чақангизнинг боши кетади.

Баҳриддин ва Низомлар барча шартларга кўнишди.

«Жигули» узоқ йўлга отланди. Улар алла-паллада Янгиер каналига етиб келишди.

— Шундоқ сувга ташласак, кейин топиб олиб таниб қолишлари мумкин. Шунинг учун унинг кийимини ечинтириб, бошини кесиш керак. Бу ишни сен бажарасан, — буюрди Маннон Ражабга.

Ражаб ўз юмушини айтилганидан зиёда адо этгач, Маннон унинг елкасига қоқди.

Тожимуроднинг калласиз жасади сувга шўнғиди. Танадан жудо бўлган боши эса йўл-йўлакай Зомин районидаги зовурга ирғитилди. Ундан сал берида кийимларига бензин қуйиб ёқилди.

Орадан уч кун ўтиб «сир» ошкор бўлди. Маннон Мамасодиқов милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Текширув пайтида ундан спорт ўқ отар қуроли ҳамда 10,5 грамм наркотик модда топилди.

Маннон Мамасодиқовнинг терговни чалғитиш учун берган дастлабки нотўғри кўргазмалари ҳам асқотмади. Қилни қирқ ёрадиган экспертларнинг узоқ олиб борган текширувлари ҳақиқатни ойдинлаштирди. Ҳақ жойда қарор топди. Суд ҳукми билан Маннон Мамасодиқов — ўн беш йилга, Ражаб Ғафуров эса беш йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Яқинда Ўзбекистон Олий суди юқорида баён этилган жиноий ишларни кўриб чиқиб, ҳар уччала ҳукмни адолатли, деб топиб уларни ўз кучида қолдирди. Бироқ ушбу воқеалар тафсилотлари билан таниша туриб беихтиёр уларни содир этувчиларга қарата: «Агар инсон бўлиб яшаш қўлингдан келмаса бу ёруғ дунёга не учун келдинг», деган сўзларни айтгинг келади.

Абдужалил ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

* *Жиноят ва жазо*

ДУНЁГА НЕ УЧУН КЕЛДИНГ?

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ИЖАРАДАГИ «ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ҚОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ЯШАЙДИГАН ЙИГИРУВЧИ, ТЎҚУВЧИ, РАКЛИСТ, ПАРДОЗЛОВЧИЛАРНИ, ҚАЙТА ЎРАШ, ПИЛИКЛАШ, ПИШИТИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРЛАРИНИ ҲАМДА ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИЛАРНИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Агарда корхонамизга шогирд сифатида ишга кирсангиз, мана шу нуфузли ва юқори иш ҳақи тўланадиган касбларга эга бўласиз.

Якка тартибда ўқиш муддати — 3 ойдан 6 ойгача. Ўқиш давридаги ойлик маош 1000 сўмдан 2500 сўмгача. Ўқиш тугалланганидан сўнг ишбай ҳақ тўланади. Ойлик маош 3000 сўмдан 7000 сўмгача. Комбинатнинг ҳар бир ишчиси тушлик учун ҳар иш кунига қўшимча 15 сўмдан олади.

Тўқимачиларнинг болалар боғчаларига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўла қондирилади. Бирлашма ўзининг тиббиёт-санитария қисми, поликлиникаси, сиҳатгоҳи, Тошкент денгизи бўйида оромгоҳи, кашшофлар оромгоҳи, «Тўқимачи» спорт мажмуи ва Маданият саройига эга.

Бўлинмалардаги ошхоналар, мева-сабзавот ва озиқ-овқат дўконлари, буғ-ҳаммомлари, пардоз-андоз хоналари ва сартарошхоналар билан жиҳозланган маиший мажмуаларнинг ҳаммаси ишчилар хизматида бўлади.

Бирлашмада тақчил саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилинади.

Шахсий уй-жой ва боғ участкаси қуриш учун ер олишга қулай имкониятлар мавжуд.

Агарда сиз шаҳар теварагида турсангиз, сизни ишга ва ишдан сўнг уйингизга хизмат автобуси олиб боради.

Корхонамиз қуйидаги районларга хизмат автобусларининг доимий маршрутларини ташкил қилган: Юқори Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ.

Агар меҳнатингизга яраша иш ҳақи, қайд этилган қулай маиший имкониятларга эга бўлишни хоҳласангиз, Сизни Қушбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган расмийлаштириш бўлимида кутамиз. (33, 34, 45, 69, 79, 182-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

ТЕЛЕФОНЛАР: 53-97-09, 53-18-72, 53-97-05, 53-23-93.

Ижарадаги «Тошкент тўқимачилик комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

15 ОКТЯБРГАЧА
АБОНЕНТЛАРГА СУВ ҚУВУР ҚАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ 1992—1993 ЙИЛЛАР ҚИШ МАВСУМИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИШНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

Сув қувур ва канализацияни ҳар эҳтимолга қарши таъмирлаш;

вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш;

очиқ ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.

Қиш шароитида фойдаланишга тайёрланмаган сув қувур-канализация хўжаликлари қўшимча огоҳлантиришсиз шаҳар сув тармоғидан узиб қўйилади.

Бир йўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатамиз.



ҲОВЛИ СУВ ҚУВУРЛАРИНИ ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ

Ҳовли сув қувурларининг тик қувурларини қиш мавсумига иситаётганда қувурнинг ташқи сатҳи — тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40-60 миллиметр бўшлиқ қолиши лозим.

Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситиш материалининг қалинлиги камида 30-35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қоғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиққа қипиқ тўлдирилади.

Кўпинча вентилнинг сальниги ишдан чиқиб, сув иссиқликни сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентилнинг тагида тунука ёки шифер бўлиши, уни ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бирмунча нишаблик билан ўрнатиш лозим. Филофнинг усти очилиб, ёпиладиган қопқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

СОТИЛАДИ

● Зудлик билан барча қулайликларга эга бўлган уй сотилади. Телефон: 47-13-48.

РЕПЕТИТОР КЕРАК

● Инглиз ва араб тилларини ўргатадиган малакали репетитор керак. Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. «Октябрь» даҳасида истиқомат қиламан. Телефонлар: 48-16-24, 48-15-62 (иш), 47-43-51 (уй).

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.



Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона —32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42,32-53-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.

■ Нашр кўрсаткичи 64690 ■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 12.00. ⊙ Буюртма Г—345 ■ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10